

Минбарда туриб, Қуръон қироат қилиш мумкинлиги | Ҳадис дарслари (362-дарс)



19:00 / 14 январь 661

سَيَّبَنَّ لِأَتَيْتِي أَرْقَوْ دَوْجُ سَلَامٍ أَزَعُ نَمَسَيْ لَ رَبِّ لَاقُ نَعُهُ لَلِ يَضْرَسَابَعُ نَبَانَع
دُوَادُ وَبَأُو وَيذِمَّرْتَلَاوُ يَرَاخُ بَلْ أَوْرَ . أَاهِي فُ دُجُ سَي مَسَوُهِي لَعُهُ لَلِ يَلَصُ

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«**Сод**» азийматли (таъкидланган) **саждалардан эмас. Лекин мен Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг унда сажда қилганларини кўрдим**».

Бухорий, Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ривоятда Сод сурасидаги «Бас, рукуъ қилган ҳолида йиқилди ва тавба қилди» деган маънодаги оят ҳақида сўз бормоқда. Бу ояти каримада

Шарҳ: Бу – Ислоннинг дастлабки вақтида, Қуръони карим янги нозил бўлаётган пайтда содир бўлган машҳур ҳодиса. Бир куни Пайғамбар алайҳиссалом Маккада мушриклар ва мусулмонлар тўпланиб турган жойда «Ван-нажм» сурасини қироат қилиб, сажда оятига келиб, сажда қилганларида ҳамма у кишига қўшилиб, сажда қилган. Мушриклар ҳам Қуръон таъсиридан қандай қилиб сажда қилиб юборганларини сезмай қолганлар. Фақат Валид ибн Муғийра деган чол кафтига тупроқ олиб туриб, ўшанга пешонасини теккизиб, сажда қилган. Бу хабар ҳамма томонга тарқалган. Ҳатто мушрикларнинг зулмидан қочиб, Ҳабашистонга хижрат қилиб кетган Усмон ибн Мазъун бошлиқ муҳожир мусулмонларга ҳам етиб борган. Улар «Аҳли Макка мусулмон бўлибди, уларнинг катталаридан бўлган Валид ибн Муғийра ҳам сажда қилибди», деб эшитишган ва тезда Маккага қайтиб келишган.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. «Ван-нажм» сурасида сажда ояти борлиги.
2. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша «Ван-нажм» сурасидаги сажда оятига келганда сажда қилганлар.
3. «Ван-нажм» сурасидаги сажда оятини Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўқиганларида мушриклар ҳам сажда қилганликлари.
4. Сажда оятида сажда қилмаслик ёмонлигини Валид ибн Муғийранинг кофир ҳолида ўлиб кетганидан биламиз. Чунки ҳамма сажда қилганда у кафтига тупроқ олиб, пешонасига теккизиш билан кифояланган эди.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.